Абдулла Кодирий «Муштум» ойномасининг 1928 йилги 27-сонида Овсар имзоси билан «Йигинди гаплар» маколасини эълон киладилар. Бу макола ўша пайтда акллар орасида кўп гап-сўз ва турли мулохазаларга сабаб бўлади. Адиб Ўзбекистои Жиноят Конунлари мажмуасининг «Рахбар ходимларни обрўсизлантириш» деган моддаси билан кораланади. Карийб уч ойлик сўрок-терговдан сўнг, ёзувчи судда ўзининг хаклигини исботловчи ёзма нуткини ўкиб берадилар. Адибнинг ана шу нуткини ўкувчилар эътиборига хавола килишни лозим топдик. Ундаги «Кулги хакида» ва «Таржимаи хол» бўлимлари мархум отамиз — Хабибулло Кодирий тайёрлагап Абдулла Кодирий китобларида, маколаларида кисман фойдаланилгаилиги сабабли, уларни ушбу матндан тушириб колдирдик.

*Шеркон КОДИРИЙ*

Мен 1926 йилнинг 10 нчи январдан 10 нчи февралигача отпускага кетиб, дам олиб юрганимда, бу «Йигинди гаплар» ном маколани ёзгонман. Отпускадан кайткандан сўнгра, 14—15-числода навбатдаги чикатургон «Муштум» журналининг сони учун материаллар тайёрлагонимда, уларнинг ичида бу маколани хам кўшиб масъул мухаррир Комил Алимовга олуб боргонман. Масъул мухаррир Комил Алимов халиги «Йигинди гаплар» ном маколани меним кўлумдан олиб, ўзининг кабинетида баланд овоз билан ўкуб берди. Ул маколани ўкуб берган вактида, унинг кабинетида ўрток Гози Юнус, Санжар Мирмахмудов ва контўршик (конторачи — Ш. К.) Халучаев бор эди. Масъул мухаррир Алимов маколани ўкуган вактида, баъзи жойларини хато ўкугони учун мен тузатиб турдим. Кейин, ўкув тамом килгондан сўнг, «хўб, бостирайлик», деди хам «яхши кетди», деб кўшимча килди ва мен бостиргонман, чунки Алимов ижозат бермаган холда, табиий, маколанинг материали йирткиланиб ташланса керак эди.

Маколани, масъул мухаррир Алимовга курсатмасдан илгари, Зиё Саидийга хам ўкуб берган, худди бошлагонимда ходисанинг тепасига Хуршид хам кириб колди. Мен ўкуб бергандан сўнг, «кўб яхши кетди» деб мактаб юборди. Бу англашилмовчиликдан илгари расмият яъни идорага келган маколани бостириш ёки бостирмаслик тўгрисида мухаррир резолюция солмас эди. Ўшанинг учун бу макола резолюциясиз бостирилгон. Расмият факат журналнинг 28-сонидан бошланди.

Бу макола факат кулгу тарикасида ёзилгон, хеч бир хукуматга ёки сиёсатга тегадиган жойи йўк. Макола босилуб, журнал таркалгондан сўнгра, беш-ўн кунча ўткандан сўнгра, Алимов Самарканддан кайтуб келди ва мени ўзининг олдига чакиртириб, «нимага

бостирдинг, мен ижозат бермаган  эдим», деди. Мен «сен ижозат бердинг, мен бостирдим»», деб жанжаллашдим.

Маколани Алимовнинг кабинетида ўкугонда, Зиё Саидий йўк эди хам кирган эмас, шахсий адоватга кетуб, «бор эдим», деб гапирадур.

Бу гувохларнинг мундок гапириши факат шахсий адоватдан иборат, чунки  бирон вакт жонларига теккан бўлсам керак, аммо кай тарикада уларга гап  тегдирганимни айта олмайман. Гувох Зиё Саидийни огзаки танкид килар  эдим. Матбуотда танкид килгоним йўк. Кискаси, умуман, Зиё Саидий ва  бошкалар манга карши бўлгонлари учун ёлгондан гувохлик берадурлар.

«Йигинди гаплар» маколасини маънisi, келган-кетган гаплар, деган сўздир хам факат кулги тарикасида ёзилгондир...

Маним 27 нчи сон «Муштум» журналидаги «Йигинди гаплар» сарлавхалик  кулги маколам хам шу асосларга солиниб ёзилгон сажиявий чин кулги эди.  Мазкур маколадаги максадим, кулги мезони билан харфат жадидга олингонда,  куйидаги мазмунлар хар кимга, хар бир гўдакка ошкора бўладур:  Макаланинг биринчи устун тўртинчи йўлидаги «Ўзбекнинг ишчиси, дехкони,  маорифи, шалтай-балтайи алх ухлайди» (алх — хаммаси барчаси) жумласи  факат муболага макомида кўллангон бир гапдир. Мундан бошка маънолар  чикариш хаёлот ёки васвасадир. Зеро, бошида бир оз мухокамаси бўлгон хар бир киши Ўзбекистоннинг Улуг Уктабр инкилобигача бўлгон холи билан,  Уктабрдан кейинги тўккиз йил ичидаги интибохини (уйгониш) (ижтимоиятда,  илм ва маданиятда, хулоса хам бир жабхада) чикишдириб кўрса, ўзини  тамоман бошка бир оламда хис этадир. Бас мундаги жумла муболага оркалик  ишчи-дехконни китиклаш, яъни уни яна хам юкори томонга караб судраш  максадида келтирилган: Бу жумла зохирий тузулишдан муболага-кулги, ички  маънодан китиклаш. Турмушдан мисол келтирилганда, масалан: Тошпўлат  аканинг бир ўгли бор; Тошпўлат ака ўглининг ишга ихлосини, ўз ишида  муваффакиятини яхши биладир. Лекин шундог бўлса хам, ўглини «сен  ялковсан, одам бўлмайсан!», деб камситадир. Бу камситиш, яъни пўписа,  камситилгучининг чиндан хам ялков ва гафлатда эканини кўрсатмайдир,  балки унинг яна хам излатишга ва ўз нуксонини кидириб тагин хам  юкориланишга хизмат этадир.

Мазкур жумладан кейинги: «Аммо ўчок бошини холи топкон олакаргалар  бўлса, хўбам билган номаъкулчилигини киляпти?» жумласидирки, мазмуни  хаммага хам яширин эмас:

Чор ва сармоя хукуматининг Ўзбекистонда колгон ва кўй терисига бурканиб эски хўжаликни димогидан чикаролмогон жониворлари хамон шўро идораларида хукм сурадирлар. Албатта улар кўлларидан келганича, ишчи-дехкон иктисодига ва шу восита оркалик унинг маориф ва маданиятига зарба беришга тиришадилар. Хам зарарликда шулар каторидан колишмайдиргон, факат ўз шахсий рохати йўлида элни эмиб, кайгусиз, гоясиз, эчкининг оти Абдукарим бўлиб, етмаса игвогарлик билан кун кечирувчи ўзининг баъзи столпараст, танпараст шахсларимиздан киноядир. Мундан кейинги — «Килаверсин, эгасига товок-кошик керак бўлса, ахир бир кун катрон-патрон килуб оларов, огайни! Ишкилуб ўлмасдан бахорга чикиб олсамиз бўлимти...» Бу ердаги эга ишчи, дехкондир ва чикиладиргон бахор уларнинг юксалиб чин социализмга етишмакларидир. Яъни ишчи-дехконларимиз иктисодан юксалиб, маърифатан юкорилашсалар, ўшандай зарарлик мустамлакачи ва бошка унсурлардан кутилурлар, катрон килиб уларни йўкотурлар, юварлар, деган маънода.

«Ерлилашдириш, ўзбеклашдириш...алх». — Бизда бир хил кишилар бор, яъни зиёлинамолар. Ўзлари амалда бир пуллик иш килмайдирлар, аммо огизда кўча саситиб, хасратлануб юрибдурлар. Мазкур жумлалар ўшандай ишсиз, факат хасратигагина таянгон унсурлардан киноядир. Масалан: «Ерлилашдиришдан хеч бир натижа чикмади, фалон иш билан мундай холатга тушдим, хасратингни кимга айтасан», деб юргувчи олифталарга хамма вакт учрашиладир. Овсар бўлса уларга «бибигни олдига хасрат кил, хезлар!», деб захарханда киладир. Юкорида зикр килингонидек, максадлари факат мансабдан, кайфу-сафодан иборат бўлгон унсурлар бизда хали куритилгон эмаслар ва бунга газета бетларидаги хабар ва шикоятлар онли шохиддир ва шулар каторида халигидек курук хасратчилар хам йўк эмаслар. Аммо буларнинг каршисида жони билан, тани билан ишчи-дехкон саодатига курбон бўлиб бош тикканлар хам кўб, жумладан, ўрток Охунбобоев бунинг тимсоли мужассамидир. Ул хар качон, хар ерда камчилик ва нуксонларимиздан сўзлаб, бунинг учун чоралар, тадбирлар излашга, хам ишчи-дехкон саодати йўлидаги тўсик говларни олиб ташламок учун барчани кўмакка чакирадир.

Биринчи устуннинг 25 нчи йўлидан бошлаб, иккинчи устуннинг 4 нчи йўлигача бўлгон ўрток Охунбобоев тўгрисидаги гаплар ёлгиз унинг шу сифатидан киноядир. Масалан, факат кўча саситиб, огзаки гишгиш килиб юрган анави хасратчилар каршисида ўрток Охунбобоев активний равишда мажлис ва газеталарда камчиликларни чертиб отадир. «Хали-ку бу огзаки гишгиша, аммо кечаги кун газетада... алх» (5 нчи йўл, биринчи устун), мукаддимаси шуни ифодалайдир.

Икинчи устун 5—6 нчи йўллардаги, — «Шукур корнинг тўк, кайгинг йўк, бас тинчкина оксоколлигингни килаверсанг бўлмайдими?» жумласи шахсий хазил бўлиши баробарида, юкорида зикр килингон корни тўк, бошка кайгуси йўк унсурлардан замзамадир. Яъни, айтилмакчиким: Эй Охунбобоев! Нега сен хам ўшалардек корнингни

силаб ётсанг бўлмайдими? Аммо бу жумладан анави танпарастларга онглатилмокчи бўлингон, айтилмак исталинган маъно бундайдур: Эй Абдулхаклар ва эй тан бандалари, ўрток Охунбобоевдан нега намуна олмайсизлар, ул сизларга ўхшаш корним тўк, кайгим йўк, деб тинчкина ётибдирми? (Мана шу ўринда айтилган маънони куйидаги жумлалар, яъни кулгунинг кетиши хам таъкидлайдур).

Иккинчи устун 7 нчи йўлдан бошлаб, 13 нчи йўлнинг охиригача бўлгон «тузук, чакирим-пакириминггa маним хам каршилигим йўк...» жумласи эса ўрток оксоколнинг мазкур маърузасини дархакикат илтифот этишга лойик бир цифр эканини, бизнинг тўкис маориф маданиятгаг эришмагимиз учун яна катта фидокорликлар кераклигини кўрсатиб англатиш учун келтирилган.

Иккинчи устун 17 нчи йўлдан бошлаб, «Шу замондаги баъзи одамларга ажаб хайрон коламан, бир минг болага битта мактаб бўлса нимаю, ўн минг болага битта тўгри келса нима кайги?» жумласи билан, яна юкорида айтганимча, ўрток оксоколнинг чиндан ишчи-дехкон маорифи ва бошкаси учун гамхўр ва бош огритганини кўрсатмакчи ва шу гунохи, яъни мазлум халк маориф-маданияти йўлида ўз-ўзини машаккатлагани учун овсарона уни шилталамакчидирман. Бундог киноялик мадх аксар халк орасида истеъмол килинадур. Масалан, тиришкок ва жонкуяр бўлгон иккин биров ўзини овсарликка солиб, «кўй, нима керак сенга шунча ташвишни! Шукр, бир кунинг бўлса ўтиб турирдур: Беш кунлик дунёда сен хам тинчкина юрсанг-чи?» - дейидирлар.

Иккинчи устун 20 нчи йўлдан бошлаб, 3 нчи устуннинг бешинчи йўлигача бўлгон «муддао мирзабошиларни кўпайтириб идораларни ерлилаштириш бўлса... алх» кулгулари ёлгиз ўрток Охунбобоевнигина эмас, балки бошка ўртоклар диккатини хам ерлилашдириш ва маданий маориф ишларига жалб килиш учун кўлланилгондир.

Маълумки, бизда икки хил зиёлилар бор: 1) эски, яъни Уктабргача бўлгон зиёлилар; 2) Янги Шўро зиёлийлари, такрорга хожат йўк; Инкилобгача бўлгон ва Уктабрдан кейинги зиёлийларни етиштирган омиллар ва шароит хаммага маълум. Шунинг учун, мен уларни тахлилига киришмай мазкур «Муштум» сонидаги зиёлийлар хакида бўлгон кулгулигим устида гапираман.

Учинчи устун 15 нчи йўлдан бошлаб, то 35 нчи йўлгача бўлгон гаплар мазкур икки хил зиёлийларни текширув максадида ёзилгондир. Масалан, «Ўрток Акмал (Икромов) Чўлпонбойнинг... шеъри билан зиёлийларнинг афтига туфургани холда, яна нима

учундир, хезлар тавба килса, уларга фирканинг кучоги очик! — деб, кўядир. Дархакикат, хезлар тавба килса, ўрток Акмал бу тавбага ишонадими, йўкми аммо унга айтадирган гапим бор...» Бу жумлалар зиёлийларни фирка кўзида тавба килгон бўлиб кўринуб, риёкорлик килмасинлар, тавбалари курук сўз беришдан иборат бўлмасин максадида айтилган. Мундаги харфан кузатилган муддао эрса мундог: Эй, зиёлилар! Сизлардаги баъзи бириларингизнинг якин мозийдаги камбагаллар хўкуматига берган зарарларингиз майдонда, бунинг учун мехнаткашлар афтларингизга туфласалар хаклидирлар. Мехнаткашларнинг кучоги бизга очик экан, деб риё билан мехнаткашлар ишига аралаша кўрмангиз, чунки мехнаткашнинг акли-хуши бошида, якин ўткан кунларингиз унинг кўз ўнгида. Эй, ўрток, Акмал, агар улардан биртаси мазкур риёкор мунофиклик холатида ишга аралашадиргон бўлса, сен бунга хазир бўл, эхтиёт тур! Аммо тавба тўгрисида сенга айтадургон сўзим бор: «Мен хар куни худога тўккиз мартаба осий бўлиб, ўн саккиз мартаба тавба ва истигфор айтаман». Яъни бу гапдан мурод, уларнинг тавбалари биздаги оддий маънода юрган тавбадан бўлмасин. Бу кунги фирка олдида килинадургон тавба тамоман янги, чин маънодаги тавба бўлсин, хар куни тўккуз мартаба истигфор айтиб, ўн саккиз мартаба кайтадургон тавбадан мехнаткашларга фойда йўк.

«Тавбага бўйин буккан банда бандаларнинг энг ярамасидур, куллук бунёд килгон расво, расволарнинг яна ашаддий расвосидир». Бу жумла билан, ўша оддий маънода бўлгон тавбани инкор килинадир, яъни тавба кулликдир, бўйин эгиш бандаликдир, банда эса хакикатга тушуниб эмас, кучланиб, ожизланиб бўйин букадир. Бас, бу холдаги тавба-тавба эмас, балки шахсий ихтиёрни, мухокамани кўлдан бериб одамгарчиликдан чикишдир. Бу дунёда тавба, куллук килиш бўлмасин, чунки бу расволик, аммо хакикат олдида бўйин эгиш бўлсин. Узинг бир хакикатга конмай туриб ва ўзингнинг хатойингга тушунмай туриб, факат ожиздан килингон тавба—тавба эмас, хам ўзгани алдашдир, расволикдир.

«Ўз бутунлигини саклай олмагон бошкага енг бўлолмайдир». Бу жумла юкорида айтилган ихтиёрий шахсни такрорлайдир. Яъни, шахсий бутунлик, мусталик шахсият куллик билан зиддир. Шахсий устунлиги бўлмагон, яъни ўзида хакикатни ихтиёр кила билиш кучи тополмогон ожиз, ихтиёрсиз одамлар жамият учун фойдалик ва чин аъзо бўлолмаслар. Чунки, аксар мунофиклик ва майдалик ихтиёрсиз хам ўзига ишончсиз ва имонсиз кишилардагина гавдаланиши илмий равишда исбот килингондир.

Мени маъюблар курсисига ўткизгон «Йигинди гаплар» маколасининг асли кузаткани ва ёзгувчисининг максади юкорида мазкур шархлардан иборатдир. Бундан бошка маънолар чикариб турлик эхтимолларга бориб кайтиш ўринсиздир. Агар баъзи ўртоклар шундай мулохазаларга кеткан эканлар, бу эса кулгуликнинг, айникса адабий кулгуликнинг бизда хали ёшлигидан ва ўзлашиб кетмаганлигидан келадир. Шуни хам

айтиб ўтишни, ёдларингизга солишни лозим топаманки, кулги маколадаги мустаор имзо маколанинг харакатиии аксар вакт ўз тарафига буриб юритадилар яъни музика ёзгувчининг мустаор шахсига лойик гаплар, жумла ва таъбирлар оркасидан эргашадур, маколанинг имзоси «Овсар» кўйилган, демак ундаги кўб таъбир ифодалар овсарона, далиёнадир. Тентакни тентак тинглайдир деганларидек, кулгуликдагина эмас, умуман сажиявий адабиётга якин тургон кишилар бу маколани шу нуктадан караб текширсалар яна хам хакикат очиладур. Масалан, маним кулгуликда ишлататурган неча турлик мустаор имзо яъни кахрамонларим бор: Калвак Махзум, Тошпўлат, Овсар, Думбул, Шилгай ва бошкалар. Агар сиз шу имзолар билан ёзилган кулгуликларни текшириб чиксангиз, мунда асли ёзгувчининг шахсини тамоман кўролмайсиз, факат сўзни имзо эгасининг ўз огзидангина эшитасиз. Калвак Махзумни ўкинг: Кўбдан хакикий хаёт билан алокаси узилган, мадраса хурофоти илан мияси говлагон холис бир махалла имомини кўрасиз. Тошпўлатни ўкинг: Ишсиз, бири бит, бити сирка бўлмагон ва шу факирлик оркасида ўгрилик ва фахшият денгизида сузиб тажангланган холис бир чапанини кўрасиз. Овсар ва Думбулларни ўкинг ва текширинг, хоказо.

Одил сидлардан сўрайманким, мен айбланган маколани, маним устимда турлик шубхалар тугдиргон кулгулукни шу юкорида саналгон мезонларга солиб текширилса ва хукум берилса экан. Кулгуликда улар айткандек ёмон ният билан яширилгон хеч бир маъно йўк. Харна ёзилгони бир «Овсар» тилидан факат ишчи-дехкон манфаати кузатилиб айтилган, хукумат кишиларига бўлгон гаплар ўртоклик хазили, шахсий мазохор, мундан бошка гаплар, маънолар бўлса юкорида бир даража таъдод (санамок —Ш. К.) килуб ўтдим. Шохидлардан олий Судга мен коралангувчи — кора курсида ўлтиргувчининг факат шахсий адоват оркасида бу холда тушунганим яхши англашилди, деб биламан. Мундог бўлса хам, яна бир даража шохидларнинг ўз сўзларидан ясаб, адолатлик судларнинг хотирларига тушуриб ўтаман:

1. Гувохлардан ўрток Левченконинг сўзига карагонда, Ўрта бсиёда сиёсий жихатдан юкори ўринни ушлаган «ГПУ» 27 нчи соннинг дунёга чикарилишига рухсат берган. Яъни «ГПУ» нинг рухсат беришидан шу маъно англишиладирким, маним мазкур сондаги «Йигинди гаплар» маколам судларга илмий ва адабий йўлда шархлаб берганимдек, зарарсиз, нафсониятлар айтган маънода эмасдир. Хам шундок бўлиши табиий. Йўкса, хар бир нуктани эринмай текшириш билан машхур бўлган сиёсий идора 27 нчи сон «Муштум» нинг дунёга чикарилишига йўл кўймас ва рухсат бермас эди. Аммо бир неча шахслар бу маколани ўзларининг, билмадим, кандогдур тарозуларига солиб, зарарлик топишлари эрса, гаразгўйлик, тирнок остидан кир излашдан бошка нарса эмасдир.

2. Хуршид Шараф, маълумки, олгон таълимоти бўйича мени кораламокчи бўлади. Лекин, ўрисларнинг «бигизни копда... алх!,» деган маколларидек, унинг меним устимда бўлгон тухматлари, бўхтонлари ўзининг берган жавоблари орасида «манаман» деб копнинг

корнини ёруб чикиб туради. Хуршиди тобон деганимиз ўзини жинниликка — тентакликка солиб каради. Аммо адолатлик судларнинг тўгри текширишлари хакикатни оча боруб, ёлгон шохидни обдон довдиратди, алвон рангга киргизди. Мен унинг довдир шаходатининг хамма нукталари устида тўхтамайман. Чунки, улар муфассал равишда, суднинг забтномасига киритилгандир. Аммо шунигина айтиб кўяманки, Хуршид дейдир: «Мирмухсин — мен «Бон-бон» деган манзумасини «босилмас...» деган эдим», деб айтди». Бу гап билан Хуршид, ўрток Мирмухсиннинг бир ваколатини содикона адо этмокчи эди. Бирок таассуфки, муваффакиятлик чикмади. Хуршид ўзининг бошка шаходатлари каби «Мирмухсин босилмасин деб резолюция кўйгонди мен асраб тургон эдим», — деса ихтимолки, маним устимга огир юкни кўюб, эгасига содик колгон бўлар эди.

3. Зиё Саиднинг хакикатка тескари, шаходати тўгрисини унинг Коммунистик виждонига хавола киламан. Аммо бир неча нукталари устида тўхтаб олишга мажбурман: «Мухаррирнинг хонасига кируб, Комил билан Жулкунбойнинг жанжаллари устидан чикдим», дейдир. «Орада Санжар билан Гози Юнус хам бор эди», дейдир. «Ундан сўнг матбаага тушиб, архивни ахтариб юрсам, «Бон-бон» манзумаси чикди, карасам «Босилмасин. М.» деб имзо кўйилгон экан, лекин ўзим Хуршиднинг «Бахри кадам» маколасини олиш учун борган эдим», дейдир. «Шундан кейин «Бон-бон»ни папкамга солуб, идорага олиб бордим, ундан сўнг терговга топширдик», дейдур. Зиё Саиднинг бу сўзи нимани англатадир? Унинг бу сўзидан аник шу келиб чикадиким, ул «Бахри кадам» маколасини олиш учун бормагон, балки менга 114-статьяни бердириш нияти билан боргон. Чунки, конунан лозим эдики, архивни караганда, ёнига холис кишиларни чакируб текшириш ва акт килиш. Мана бу томондан хам маним устимга ишланган сохтагарлик ўз огзи билан айтуб турадур. Янада Зиё Саиднинг кеча берган жавоби ичидаги — «Муштум»да босилиши мувофик кўрилганлиги резолюция кўйилмагон маколалар хам бўлар эди, — деган сўзи хам одил судлар учун шоёни диккатдир.

4. Энди обллитнинг саркотиби ўрток Мильков устида тўхтайман. Мен тўгрилик оркасида, бош кетса «их» дейдирган йигит эмасман. Мукаддимадаги сўзимда айтдим: Мен ўша кун матбаага тушганимда, ёлгиз «Йигинди гаплар»дагина эмас, балки бошка материалларда хам обллитнинг штампаси йўк эди. Энди бугун хайрон коламан, бундаги штамплар каёкдан келди, ёки бунда хам маним устимга бир юк ортмокчи эдиларми? Ўртокнинг дабба жавобидан маълум бўладирким, бу орада хар бир найранг курмокчи бўлгонга, ишни чалкаштируб меним бошимни котириб, довдиратмокчига ўхшайдирлар. Дархакикат, гап шундай бўлмаса, обллит деган масъул бир ўринда ўлтирувчи ўгил боланинг жавобини каранг эмиш фирка ўргани бўлгони учун «Муштум»нинг материаллари текширилмасдан, устига штамп босилиб берилар экан. Бу холда, журналнинг обллитнинг рухсатисиз чикара бериши лозим бўлмасмиди? Хар бир сахифа материалга штамп босишнинг нима хожати ва карточка ёзишнинг кандай зарурати бор эди? Бу масала жуда муаммо. Тузук, обллитнинг рухсати, яъни штампаси бўлиши маним учун зарарлик эмас, лекин ўзим матбаада материални кўрган чогимда штампа йўк эди...

Кискача таржимаи холимни баён этиб, сўзимнинг охирида шуни айтмокчиман: Маколани зарарсиз ва журналга мувофик топиб босишга рухсат бергувчи Комилнинг ўзи эди. Бу кун ўз лавзидан кайтиб, виждони олдида кип-кизил ажива бўлгувчи, мени коралагувчи ва устимга бошка бўхтонларни такигувчи хам унинг ўзи бўлди. Уч ойлардан бери, матбуот сахифаларида ўринсиз ва бошка, факат менга каратилис бўлгон хаксиз хужумлар, англашмовчиликлар, бемаза иснодлар ва жимжималик замзамаларнинг бош омили хам шубхасиз Комил ва шериклари эди. Хулоса, адоват мамлакат рангида бўялди.

Сўзимнинг охирида, ўзимнинг асли гоя ва маслагим билан хам хозиримни кискача таништириб кўяйин: Мен Шарк озодлигини ва унинг мазлум пролетариат саодатини факат — Ленинизм оркасида вужудга чикишига ишонган бир кишиман. Бу гапни сизнинг берадурган жазоингиздан кўркиб эмас, балки виждоним, имоним тазйики остида сўзлайман. Лекин бу озодликдаги чин курашувчилар — лавзсиз кўркоклар, шахсий адоват оркасидан бахт куткучи майда кишилар бўлолмаслар; аммо ўрток Лениннинг соглом, улуг, газаматсиз, гидирсиз йўлига томон холис ниятда бел боглагувчи кахрамонларгина бўлурлар. Маним хакимда ким нима деса десин, лекин мен Маркс ва Лениннинг хароратлик шогирдиман, чунки, мен Лениндан рух олиб, Марксдан илхомландим.

Сўзим охирида одил судлардан сўрайман: Гарчи мен турлик бўхтон, шахсият ва сохталар билан, хам англашилмовчиликлар оркасида, иккинчи окланмайдургон бўлиб кораландим. Лоакал уларнинг, кораловчи кора кўзларнинг кўнгли учун бўлса хам, менга энг олий бўлгон жазони бера кўрингиз. Кўнглида шамси губороти, тескаричилик максади бўлмогон содда, гўл, виждонлик йигитга бу кадар хўрликдан ўлим тансикрокдир. Бир неча шахсларнинг орзусича, маънавий ўлим билан ўлдирилдим. Энди жисмоний ўлим менга кўркинч эмасдир. Одил судлардан мен шуни кутаман ва шуни сўрайман.

*1926 йил, 16 июнь. Самарканд*